

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**АБДУЛЛАЕВА МАРЯМБИБИ ДЖУМАНИЯЗОВНА**

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАРГА**  
**ҲУРМАТ ҲИССИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ - 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
pedagogical sciences**

**Абдуллаева Марямбиби Джуманиязовна**

Бошланғич синф ўқувчиларда ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини  
шакллантириш технологиялари ..... 5

**Абдуллаева Марямбиби Джуманиязовна**

Технологии формирования чувства уважения к социально-правовым нормам у  
младших школьников ..... 24

**Abdullayeva Maryambibi Djumaniyazovna**

Technologies for forming a sense of respect for socio-legal norms in primary school  
students ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works ..... 45

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**АБДУЛЛАЕВА МАРЯМБИБИ ДЖУМАНИЯЗОВНА**

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАРГА**  
**ҲУРМАТ ҲИССИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**13.00.01 - Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №-В2022.1. PhD/Ped2949 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cspi.uz](http://www.cspi.uz)) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мардонов Шукурулло Қўлдошев**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нурманов Абдуназар Ташбаевич**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**Қўқон давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870)712-27-55; факс: (99870)712-45-41; e-mail: [cspi\\_kengash@umail.uz](mailto:cspi_kengash@umail.uz)).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (99870)712-27-55; факс: (99870)712-45-41.

Диссертация автореферати 2022 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2022 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**С.Матчон**

илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раис ўринбосари, п.ф.д., профессор

**Ф.У.Қодирова**

илмий даражани берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, п.ф.д. (DSc)

**У.Н.Хўжамқулов**

илмий даражани берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д. (DSc)

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим амалиётида бошланғич синф ўқувчиларида таълим олиш кўникмаларини шакллантириш ва уларнинг жамиятда жадал ижтимоийлашувини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришни тақозо қилади. Таълим жараёнига жорий этилаётган инновацион янгиликлар, замонавий педагогик ёндашув ва парадигмалар самараси ўқитувчининг касбий-педагогик креативлигига бевосита боғлиқ. Таълим мазмуни ва сифатини оширишга қаратилган халқаро ҳужжатлар, хусусан, Сорбонна декларацияси (Sorbonne Declaration, 1998), Жаҳон таълим форуми (World Education Forum, 2000), БМТнинг “Минг йиллик декларацияси” (UN “Millennium Declaration”, 2000) ва Лиссабон тан олиш конвенцияларида (Lisbon Recognition Convention, 1997) замонавий педагогик ёндашувлар асосида мактаб ўқувчиларини маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан компетентли қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилган.

Дунёнинг бир қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида инновацион ёндашувлар асосида бошланғич таълим ёшидаги ўқувчиларни маънавий-ахлоқий ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан саводли, замонавий дунё учун зарур бўлган муайян кўникмаларни эгаллашга йўналтирилган модернизацион дидактик тизимни такомиллаштириш асосида медиасаводхонликнинг самарали шакл, метод ва воситаларини ишлаб чиқиш ва таълим амалиётига самарали татбиқ этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан, бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий саводхонликни когнитив, мотивацион, фаолиятга доир ва креатив даражаларга мувофиқ шакллантиришнинг амалий-педагогик жиҳатларини аниқлаштириш, инновацион-таълим шароитида ўқувчининг ўқув-билув кўникмаларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистон жамиятини барпо этиш ижтимоийлашув жараёнлари билан боғлиқ равишда кечмоқда ва бу мактаб ўқувчилари, шу жумладан, бошланғич таълим ёшидаги болаларни ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар билан яқиндан таништириш, уларга қатъий амал қилиш кўникмаларини шакллантиришни тақозо қилмоқда. Зеро, “ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, уларга Конституциянинг муҳим жиҳатларини болалигидан бошлаб ўргатиш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш”<sup>1</sup>га жиддий эътибор қаратилмоқда. Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга амал қилиш кўникмаларини шакллантириш, шунингдек, ўқувчиларда шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириш ва умуммаданий компетенцияларини қарор топтириш

---

<sup>1</sup> Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси / Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сон фармони, 1-илова.

муаммонинг илмий жамоатчилик томонидан чуқур ўрганилиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда ўқувчиларда ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш орқали уларнинг таянч компетенцияларини ривожлантириш, ўқувчиларнинг ижтимоийлашувига таъсир этувчи омиллар, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ва шахсий ҳаётини ташкил этишнинг педагогик-психологик хусусиятлари О.Мусурмонова, Н.А.Муслимов, О.Каримова, М.Қуронова, Ҳ.Бобоев, Ш.Мардонов, А.Саидов, Ғ.Аҳмедов, Ҳ.Қ.Йўлдошев, Р.Маҳмудов, А.Рафиқовларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида умумтаълим мактаб ўқувчиларининг ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантириш, улар орасида ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни педагогик аспектда ўрганиш, ўқувчиларнинг жамиятга фаол сингишини таъминловчи ижтимоий омиллар Е.Пенькова, М.Бобнев, В.Брожек, Е.Лукашева, А.Рафиқов, Е.Головченко, В.Куфаев, П.Блонский, Л.Выготский, С.Данилов, А.Зимин, Л.Зюбин, А.Ф.Никитин, А.Мишкевич, В.Обухов Л.Семенова, А.Островскийлар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан Кин Джон (John Keane), Сюзан Томпсон (Susan Thompson), Джеймс Мерилл (James Merrill), Кэролайн Уилсон (Caroline Wilson), Элеанор Бёрд (Eleanor Bird), Ричард Сайерс (Richard Sayers)ларнинг тадқиқотларида ўқувчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга амал қилиши, ижтимоийлашув жараёни, мактабда ўқувчи шахсий ҳаётини ташкил этиш ва бошқариш каби масалалар ўз ифодасини топган.

Ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар ҳуқуқий жамият асоси, уларга қатъий риоя этиш эса ижтимоий ривожланишни таъминловчи муҳим шарт эканлигини инобатга олган ҳолда бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий

меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришнинг ҳаётий зарурати мазкур диссертациянинг мавзусини белгилаб берди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг “Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари ва амалий механизмлари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини ва технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришнинг назарий аспекти хамда тадқиқот мақсадига эришиш имконини берувчи педагогик омил ва шарт-шароитларини аниқлаштириш;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришнинг функционал моделини ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришда оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг педагогик имкониятларини очиб бериш;

бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат руҳида тарбияланганлик даражасини баҳолашга хизмат қилувчи мезонлар хамда бу борада юқори самарадорликка эришишни кафолатловчи илмий-методик тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Сурхондарё, Хоразм, Навоий вилоятлари умумтаълим мактабларининг 458 нафар бошланғич синф ўқувчилари жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришнинг мазмуни, устувор тамойиллари, босқичлари, шунингдек, самарали йўл, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (қиёсий-таққослаш, моделлаштириш, таҳлилий-синтетик), диагностик (сўровлар, тест, кузатиш, суҳбат), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш) методлар мажмуидан фойдаланилди.

#### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

умумий ўрта таълим тизимида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий, психологик-педагогик омиллар ва шарт-шароитлар ўқувчиларга саноген тафаккурнинг мотивацион, рефлексив ва

операцион кўникмаларини реал вазиятлар моделлари имитацияси асосида аниқлаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришнинг мақсаддан натижага йўналтирилган модели нормативлик, изчиллик ва универсаллик характериға эға функционал блоклар мазмуниға танлаб ўқиш, тезкор ўқиш ва онгли ўқиш каби китобхонлик малакаларини ўқувчиларда ривожлантирувчи ўқув топшириқларни киритиш орқали такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришнинг педагогик механизмлари оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик ҳамкорлигининг мотивацион-диагностик, ахборотли-когнитив, операцион-фаолиятли компонентларини инновацион таълим муҳитиға халқчиллик, ҳалоллик каби ижтимоий мезонлар уйғунлигида сингдириш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларни ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат руҳида тарбиялашда таълимнинг универсаллик, муқобиллик ва вариативлик шакллари амалиётда қўллаш орқали ўзаро ёрдам, бағрикенглик каби дўстона муносабат сифатларини ўқувчиларда шакллантирувчи интерфаол ўқув муҳитини ташкил этиш самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришға доир диагностик воситалар мажмуи ишлаб чиқилган;

“Тарбиявий ишлар методикаси” ўқув қўлланмаси нашр этилган;

бошланғич синф ўқитувчилари учун “Кичкинтойлар учун йўл ҳаракати қоидалари”, “Жумлани яқунла”, “Тугалланмаган ҳикоялар” каби ўқувчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга амал қилиш кўникмаларини ривожлантиришға қаратилган технологиялар тизими ишлаб чиқилган;

ўқувчиларда ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришнинг рефлексив техника ва усуллари ишлаб чиқилган;

“Ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларнинг бошланғич синф ўқувчилари ҳаётидаги ўрни” номли услубий қўлланма нашр этирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** гносеология ҳамда педагогика таълим соҳаларидаги мамлакатимиз ва хорижий давлатлар мутафаккир олимлари, методистлари, шунингдек, амалиётчи тақиқотчилар ишларига асосланганлиги; тадқиқот мақсад ва вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; тажриба-синов ишлари таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли давлат ташкилотлари томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш муаммосининг ечимини топиш ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларига таянган ҳолда “ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат”, “шахсда ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш” каби таянч

тушунчалар моҳиятининг педагогик нуқтаи назардан шарҳланганлиги, ўқувчиларнинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ижтимоий ва ҳуқуқий меъёрлар турларининг аниқлаштирилганлиги, ўқувчиларда ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш омилларининг, ташкилий-технологик элементларининг аниқланганлиги ҳамда устувор ўрин тутувчи психологик хусусиятларнинг асосланганлиги, юқори самарадорликни кафолатловчи илмий-методик тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти унинг ғоялари ва натижаларидан, ишлаб чиқилган муаллифлик технологиялари ва методларидан умумий ўрта таълим муассасалари, шу жумладан, бошланғич синф ўқувчиларига ҳуқуқий билимларни бериш жараёнида, шунингдек, тарбия ҳамда технология ўқитиш назарияси ва методикаси ўқув фанларининг мазмунини бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш бўйича илмий натижалар асосида:

умумий ўрта таълим тизимида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий, психологик-педагогик омиллар ва шарт-шароитларни аниқлаш ва жорий этишга оид таклиф ва ғоялар “Мактабгача таълимнинг меъёрий асослари” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги 538-сонли буйруғи билан берилган 538-146-рақамли гувоҳнома). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга амал қилиш кўникмаларини шакллантириш жараёнининг дидактик таъминотини яхшилашга эришилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришнинг мақсаддан натижага йўналтирилган моделига доир назарий фикр-мулоҳазалар “Бошланғич синфларда ахборот технологиялари” номли дарслик мазмунига сингдирилган ( Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 23 ноябрдаги 500-сон буйруғи билан берилган 500-141-рақамли гувоҳнома). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришнинг дидактик таъминоти такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришнинг педагогик механизмлари оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик ҳамкорлигининг мотивацион-диагностик, ахборотли-когнитив, операцион-фаолиятли компонентларини жорий этиш бўйича тавсиялардан А-От-2021-419-сон “Давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларида инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетенциясини ошириш курси электрон платформасини яратиш (Pre-schhoolPDP) номли инновацион-амалий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2021 йил 21 декабрдаги 02-2340-сон буйруғи). Натижада, ўқувчиларда ижтимоий-ҳуқуқий

меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришда оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқани қарор топтиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 6 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса 133 бет матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, тадқиқотнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришнинг илмий-назарий масалалари**” деб номланади ва унда мавзунинг илмий-назарий ва методологик асослари, хусусан, ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар мазмуни, турлари, бошланғич таълим ўқувчиларида мазкур меъёрларга амал қилиш кўникмаларини ҳосил қилишнинг ижтимоий-педагогик ўзига хослиги ёритилган, шунингдек, бошланғич таълим ёшидаги ўқувчиларда ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришнинг жорий ҳолати таҳлил қилинган.

Замонавий таълимнинг аҳамияти ўқувчиларда фаол ижтимоийлашув кўникмаларини шакллантириш билан белгиланади. Бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий муносабатлар жараёнининг фаол иштирокчилари бўлишларига эришишда улар томонидан ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларнинг муваффақиятли ўзлаштирилиши ўзига хос аҳамият касб этади. Маълумки, кишилар ўртасидаги ўзаро алоқа муайян ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар асосида ташкил этилади. Шахс ҳаёти бевосита жамиятда, унда истиқомат қиладиган кишилар орасида кечади. Шахс таълим олиш жараёнида ижтимоий-маданий муҳит билан бевосита ўзаро таъсирлашади ва у шахснинг интеллектуал камолотга эришувини таъминлайди.

Глобаллашув шароитида бошқа соҳалар қатори узлуксиз таълим мазмуни ҳам тубдан янгиланди. Ўзгараётган жамият, глобал ахборотлашув жараёнининг мазмун-моҳияти, шахс камолотини таъминлаш борасида юзага келган ижтимоий зарурият масалаларини янгиланаётган таълим мазмунида акс эттириш бугунги

куннинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Кишилар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатлар муайян ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар асосида йўлга қўйилади. Ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар асосида тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларнинг маданиятлилик даражасини ҳам ифодалашга хизмат қилади. Оила, мактабгача тарбия ва умумий ўрта таълим муассасаларида болаларни ижтимоий муносабатларга тайёрлаш, ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар билан таништириш, уларга қатъий риоя қилиш кўникмаларини шакллантириш мазкур субъектлар таълим ва тарбия борасидаги функцияларининг муҳим таркибий қисмларидир.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий муносабатлар жараёнининг фаол иштирокчилари бўлишларига эришишда улар томонидан ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларнинг муваффақиятли ўзлаштирилиши ўзига хос аҳамият касб этади. Шахс ҳаёти бевосита жамиятда, унда истиқомат қиладиган кишилар орасида кечади. Жамият аъзолари ўртасидаги шахслараро алоқаларнинг самарали кечиши бевосита шахснинг ижтимоий муносабатлар мазмунига боғлиқ. Ижтимоий муносабатлар мазмуни эса ўз навбатида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларнинг аниқланганлиги, жамият томонидан қай даражада тан олинганлиги ҳамда амалий фаолиятда уларга риоя этилаётганлиги билан белгиланади.


З.Фрейд фикрига кўра, маданият ўзида бошқа мавжудотлардан юқори бўлган инсониятга хос ҳаётий тажрибаларни ифодалайди. Инсоният ўз тарихий тараққиётида ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ворисийлик тамойилига асосланган улкан ҳаётий тажрибага эга бўлди. Тўпланган ҳаётий тажрибанинг ажодлар томонидан авлодларга узатилишида уларнинг хулқ-атворини ахлоқий жиҳатдан бошқаришга йўналтирилган ижтимоий меъёрлар ҳам ўзига хос ўрин тутди.<sup>2</sup>

Тадқиқотда ижтимоий меъёрлар қуйидаги турларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинди: 1) ахлоқий меъёрлар; 2) жамоат бирлашмаларининг меъёрлари; 3) миллий урф-одатлар; 4) турли халқларга хос одатлар; 5) анъана меъёрлари; 6) сиёсий фаолият меъёрлари; 7) эстетик меъёрлар; 8) ташкилий меъёрлар; 9) ҳуқуқ меъёрлари; 10) диний меъёрлар; 11) фаолиятни ташкил этишга маданий ёндашув меъёрлар; 12) болалар жамоаси фаолиятини тартибга солувчи меъёрлар.

Тадқиқотда бошланғич таълим ўқувчилари амал қилиши лозим бўлган ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш воситалари аниқлаштирилди (1-расмга қаранг).



<sup>2</sup> Фрейд З. Лекции по введению в психоанализ .



### 1-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантирувчи воситалар


Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришда ўқитувчининг фаолияти икки муҳим йўналишдан, яъни ўқитиш ва тарбиялашдан иборат бўлади. Мазкур жараёнда асосий мақсад ўқувчилар онгига ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар, уларнинг ижтимоий ва ҳар бир шахс учун хусусий аҳамиятга оид назарий билимларни сингдириш орқали тарбиялашга қаратилган бўлиб, тадқиқот натижалари асосида бу мақсадга эришиш учун ўқитувчи бажариши лозим бўлган **вазифалар** мажмуи ишлаб чиқилди. Улар қуйидагилар:

- ижтимоий-ҳуқуқий меъёр турларини бошланғич синф ўқувчилари кундалик фаолияти учун аҳамиятига кўра таснифлаш;
- ажратиб олинган ижтимоий ва ҳуқуқий меъёрларга оид тушунчаларнинг мураккаблик даражасига кўра саралаш ва тавсифлаш;
- бошланғич синф ўқувчиларининг индивидуал таълим траекторияси бўйича ижтимоий ҳамда ҳуқуқий меъёрларни ўзлаштириш имкониятларини баҳолаш;
- ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга оид тушунчаларни бошланғич синф ўқувчилари томонидан пухта ўзлаштиришга имкон берадиган йўللار, омиллар, самарали шакллар, методлар ва воситаларни аниқлаштириш;
- бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларни ўзлаштиришга нисбатан хайрихоҳлик ва қизиқишни уйғотиш учун илғор педагогик технологиялардан мақсадга мувофиқ фойдалана олиш;
- ўқувчиларда ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ фаолиятни ташкил этишга йўналтирилган кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш имконини берадиган зарур педагогик шарт-шароитларни яратиш;
- бошланғич синф ўқувчилари ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга оид билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш жараёнида дуч келадиган қийинчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини

белгилаш;

- ўқувчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар, уларнинг моҳияти, ижтимоий аҳамияти, шахсий йўналтирилганлигига доир назарий билимларни амалиётда қўллай олишлари учун таълим ҳамда маънавий-маърифий ишлар ўртасида интеграцияни қарор топтириш;

- бошланғич синф ўқувчилари томонидан ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга доир билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилишини назорат қилиш, баҳолаш ва ҳар бир ўқувчи кесимида мониторингини юритиш.



## **2-расм. Бошланғич таълимда ўқувчилар томонидан ўзлаштириладиган ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар**

Тўрт йиллик муддатни ўз ичига оладиган бошланғич таълим ўқувчиларнинг билиш фаоллиги, дунёқараши ва фикрлай олиш қобилиятининг ривожланганлигига кўра шартли равишда икки босқичга ажратилади. Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришда ҳам ана шу икки босқич инobatга олиними лозим. Мазкур шартли босқичларда ўқувчиларнинг ўзлаштириши лозим бўлган ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар 2-расмда келтирилди.

Таълим муассасалари энг оддий, шунингдек, ишлаб чиқариш ва касбий фаолиятни йўлга қўйиш, инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш даражасида акс этадиган ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлардан ўқувчиларни хабардор қилиш, уларнинг аҳамияти, риоя этиш заруриятини англашти имкониятига эга. Мавжуд имконият таълим муассасаларида ўқувчиларни ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар мазмуни билан босқичма-босқич таништириб борилишини таъминлайди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг фикрлашларида ҳам образлилик устун бўлганлиги сабабли улар ўқитувчи томонидан берилаётган тушунчаларнинг маъносидан кўра образи (шакли ёки тасвири)га эътиборни қаратадилар. Бу эса ўз-ўзидан ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар тўғрисидаги маълумотларни кўргазмали воситалар ёрдамида етказиб бериш зарурлигини англади. Ўқитувчи нутқининг образлилиги, ҳиссиётга бойлиги ва маълумотларнинг қизиқарли эканлиги ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаол ташкил этишга хизмат қилади.

Олиб борилган назарий таҳлил ҳамда амалий кузатиш натижалари бугунги кунга қадар бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий хулқ-атвор

кўникмаларини шакллантиришга доир бир қатор ишлар амалга оширилганлигини тасдиқлади. Айниқса, бу борада бошланғич таълим ёши ўқувчиларини йўл ҳаракати қоидалари билан таништиришга доир ишларнинг салмоғи катта. Аксарият ҳолатларда ушбу ёш даври ўқувчиларига ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар тўғрисида маълумот берувчи материаллар: “Алифбе”, “Она тили ва ўқиш саводхонлиги”, “Тарбия” ва қисман “Атрофимиздаги олам” каби ўқув дарсликларига ёритилган. Мактаб таълим ва тарбия амалиёти билан танишиш бошланғич синф ўқитувчилари, ўқувчилар, шунингдек, ота-оналарнинг ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар тўғрисида яхлит маълумот берадиган манбаларга нисбатан эҳтиёж мавжудлигини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш тизими”** деб номланган иккинчи бобида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантириш йўллари, илғор хорижий тажрибаларнинг қиёсий таҳлили, бу борада таълимга бевосита ва билвосита алоқадор субъектларнинг ўзаро ҳамкорлик мазмуни ёритилган.

Ижтимоий фаолиятнинг самарали бўлишида жараённинг умумий моҳиятини ёритувчи дастурга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур талабни инобатга олган ҳолда тадқиқотни олиб боришда бошланғич синф ўқувчиларини ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар билан таништиришга доир дастурни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадқиқотда “Кичкинтойлар учун йўл ҳаракати қоидалари”, “Жумлани яқунла”, “Тугалланмаган ҳикоялар” каби ўқувчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга амал қилиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган технологиялар ишлаб чиқилди.

“Тугалланмаган ҳикоялар” технологиясининг мақсади ўқувчиларнинг атрофдагиларга, воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабати қандай мазмунга эгаллиги (эгоцентрик: худбинларча ёки инсонпарвар эканлиги)ни аниқлашдан иборат. Ушбу технологияни қўллашда қуйидаги тартибда иш кўрилади: ўқувчиларнинг эътиборига уларнинг психологик характерини аниқлашга қаратилган қуйидаги мазмундаги учта ҳикоя такдим этилади: “Бола кучукча асраб олишни хоҳлайди. Кунлардан бир куни ота-онасининг танишлари уларниқига ўз кучукчаларини олиб келиб, то саёҳатдан қайтгунларига қадар унга қараб туришни илтимос қилишади. Бола кучукчага жуда боғланиб, уни яхши кўриб қолди. У кучукчани овқатлантирар, сайрга олиб чиқар, унга ғамхўрлик қиларди. Бироқ, кучукча ўз эгаларини жуда соғинар, уларнинг қайтишини кутарди. Бир қанча вақт ўтгач, танишлари саёҳатдан қайтишди ва кучукчани ўзларига қайтариш ёки қайтармасликни боланинг ўзи ҳал қилиши мумкинлигини айтдилар”.

Ҳар битта ҳикоядан сўнг ўқувчидан қуйидаги саволга жавоб бериш талаб қилинади: Бундай вазиятда бола қандай иш тутиши керак? Нима учун?

Шу саволларга жавоби асосида ўқувчининг атрофдагиларга, воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабати қандай мазмунга эгаллиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Тадқиқотнинг синов ишлари босқичида муаллифлик методикаларидан яна

бири қўлланилди. “Болалар томонидан ижтимоий меъёрларнинг англаниши” деб номланган мазкур методика бошланғич таълим ўқувчиларининг ижтимоий-ахлоқий меъёрларга бўлган муносабатларини аниқлашга ёрдам беради.

Технология моҳиятига кўра педагогик фаолият қуйидаги босқичлар бўйича йўлга қўйилади:

1-босқич. Болаларнинг ёш хусусиятларига мос равишда улар томонидан ижтимоий-ахлоқий меъёрларнинг бузилишига оид 3-5 та тугалланмаган ҳикоялар ўйлаб топилади.

2-босқич. Болалар томонидан ёшидаги ижтимоий-ахлоқий меъёрларнинг бузилишини акс эттирувчи 10-12 та тасвирий карточка тайёрланади.

3-босқич. Пўлат Мўминнинг “Салом берган болалар” шеъри ўқиб эшиттирилади.

4-босқич. Болаларнинг ижтимоий-ахлоқий меъёрларга бўлган муносабатлари дидактик воситалар ёрдамида аниқланади.

5-босқич. Суҳбат учун саволлар тузилади ва болалар билан суҳбат ташкил этилади.

Методикани қўллаш тартиби: ҳар бир босқич 2-3 кун оралиғида ёки ўқитувчининг танловига кўра белгиланган вақтларда ташкил этилади. Аммо ҳар бир машғулотда синф ўқувчиларининг барчалари қатнашишлари шарт.

Методика асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёни:

1-босқич. Болага топшириқ берилади: “Мен сенга кичик ҳикоя айтиб бераман, сен эса уни яқунлашинг зарур”.

2-босқич. Болаларга тенгдошларининг ижобий ва салбий хатти-ҳаракатлари тасвирланган суратлар тақдим этилади ва шундай топшириқ берилади: “Сен суратларни уларда тасвирланган салбий ва ижобий хатти-ҳаракатларга кўра икки гуруҳга ажрат. Суратларни ажратиб бўлгач, нима учун шундай йўл тутганингни асослаб бер!”.

Олинган натижаларни қайта ишлаш. Болаларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улар томонидан ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар моҳиятининг қандай тушунилиши ўрганилади. Болаларнинг ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар моҳиятини қандай тушунишлари улар томонидан содир этилган хатти-ҳаракатлари, ёндашувлари, ҳиссий таъсирланишлари ва тенгдошлари билан муносабатларига кўра қуйидагича баҳоланади:

1. Ўқувчи ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларни тўғри номлай олади, тенгдошларининг хулқ-атворларини тўғри баҳолайди ва ўз хатти-ҳаракатларининг мазмунини изоҳлаш лаёқатига эга.


2. Ўқувчи ижтимоий-ҳуқуқий меъёрни тўғри номлай олади, тенгдошларининг хулқ-атворларини тўғри баҳолайди, бироқ ўз хатти-ҳаракатларининг мазмунини изоҳлаш лаёқатига эга эмас.

3. Ўқувчи тенгдошларининг хулқ-атворларини ижобий ва салбий (тўғри ва нотўғри, яхши ва ёмон) тарзда баҳолайди, бироқ ўз хатти-ҳаракатларининг мазмунини изоҳлаш лаёқатига эга эмас ва унда ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар шакллланмаган.

Тадқиқот натижаларига асосан бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган

педагогик жараён модели ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида таянч ўқув режасини такомиллаштириш ҳамда ўзаро узвий боғлиқ фанларни бирлаштириш ҳисобига уларнинг сонини оптималлаштириш белгиланди. Бунда кўзланган асосий мақсад энди сонга эмас, сифатга урғу бериш, турли фанлардаги такрорларнинг олдини олишдан иборат. Таҳлилларга кўра, амалдаги ўқув дастури асосида ўқувчиларга ҳафтасига ўртача 33 та янги мавзу ўтилади. Бу ўқувчи бир ҳафта мобайнида 33 та мавзунини ўзлаштириши керак дегани. Амалдаги ўқув дастури асосида яратилган фанлар ўртасида ўзаро уйғунлик – интеграция мавжуд эмаслиги ҳисобига ўқувчилар олган билимларни мантиқан боғлай олмайди. Натижада, дарсда олган билиминини ҳаётдаги вазиятларда қўллай олиш кўникмаси ривожланмай қолади. Тадқи-



### НАТИЖА:

Умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий – ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган педагогик механизмлар такомиллаштирилади

### 3-расм. Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён модели

қотимиз давомида биз Миллий ўқув дастурини ҳам таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. “Аввалги ўқув дастурлари мазмуни 90 фоиз назариядан иборат бўлиб, ўқитиш методикаси ёдлатишга йўналтирилган. Янги Миллий ўқув дастури мазмуни 50 фоиз назария, 50 фоиз амалиётдан иборат бўлиб, бу ўқувчининг мустақил фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ўқув дастурларида баҳолаш фақат эслаб қолган билимлар ҳажмига нисбатан белгиланган. Янги дастур асосида ўқувчиларда шаклланган кўникмалар баҳоланади. Фанлар сони ва ўқув юкнамалари оптималлаштирилиб, ўқувчилар қизиқишига кўра фанларни танлаб ўқиш имконини берувчи вариатив ўқув дастурлар асосида ҳаётга ва касбий фаолиятга тайёрлаш имконини берувчи куйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

- Она тили фанидаги 10 та мавзунини “Илк қадам” дастури билан узвийлаштириш;
- Табиий фанлардаги 14 та мавзунини “Илк қадам” дастури билан интеграциялаш;
- Математика фанидаги 15 та мавзунини “Илк қадам” дастури билан узвийлаштириш ва ривожланишни спиральсимон таълим асосида белгилаш;
- Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш йўналиши бўйича “Илк қадам” дастуридаги 11 та мавзунини 1-синф Тарбия фанида 17 соат ҳажмида чуқурлаштириб ўқитиш;
- Тасвирий санъат - 6 та, Мусиқа - 5 та, Технология - 5 та, Жисмоний тарбия - 20 та, амалий фанлар бўйича жами 26 та мавзу 1-синф билан узвийлаштирилиши лозим.

Диссертациянинг учинчи боби “**Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга оид тажриба-синов ишлари**” деб номланади ва унда тадқиқотда илгари сурилган илмий фараз педагогик тажриба-синов майдончаларида синовдан ўтказилди.

Синов ишлари даврида бошланғич синф ўқувчилари кичик гуруҳларга бириктирилган ҳолда уларда суҳбатлашиш кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам берадиган ўйинлардан фойдаланиш кутилган натижаларни берди. 1-синф

“Тарбия” дарслигидаги айрим мавзулар бўйича таълимий дидактик ўйинли технологиялар ишлаб чиқилди (4-расмга қаранг).

Назарий изланиш ҳамда амалий тажрибаларнинг ўзаро муносиблиги, гоёвий жиҳатдан адекватлиги (бир-бирига мос келиши) тадқиқотнинг самарали олиб борилишига хизмат қилади. Шунингдек, илмий изланиш самарадорлигини таъминлашда назарий изланиш ва амалий тажриба ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, алоқадорлик, изчиллик ҳамда тизимлиликнинг таъминланишига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши зарур бўлган шарт саналади. Тажриба-синов ишларида мазкур шартнинг тўла инobatга олиниши тадқиқотни илмий-педагогик ва амалий-методик жиҳатдан тўғри ташкил этилиши учун зарур шарт-шароитни вужудга келтирди.

т/р	Мавзулар номи	соати	Ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар	Дидактик -таълимий ўйин технологиялари
1	Ватан ишончи	1	Давлат президенти ва давлат рамзларига хурмат	“Менинг рамзларим”
2	Саломлашиш одоби	1	Ижтимоий одоб меъёрлари(Саломлашиш одоби)	“Келинг, танишамиз”
3	Саломлашиш одоби (амалий машғулот)	1	Ижтимоий одоб меъёрлари (Сўзлашиш одоби)	“Турли мавзуларда суҳбат”
4	Менинг сеvimли эртак қаҳрамонларим	1	Умуминсоний кадриятлар ва миллий урф-одатлар	“Мен ҳам эртак тўқийман” технологияси
5.	Сехрли сўзлар	1	Ижтимоий муносабат меъёрлари	“Ялмоғизга ёққан сўз” дидактик ўйини
6.	Дастурхон атрофида (амалий машғулот)	1	Умуминсоний кадриятлар ва миллий урф-одатлар меъёрлари	“Келинг, овқтланамиз” ўйини
7.	Жамоат жойларида ўзини тутиш	1	Умуминсоний кадриятлар ва миллий урф-одатлар	“Билмасвой кинотеатрда” ўйини

**4-расм. 1-синф “Тарбия” дарслигидаги айрим мавзулар бўйича таълимий-дидактик ўйинли технологиялар**

Тажриба-синов ишлари жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга хурмат ҳиссини шакллантиришда самарали бўлган қуйидаги методлардан фойдаланилди: 1. Тушунтириш ва ҳикоя қилиш методи. 2. Суҳбат методи. 3. Дарслик ва манбалар билан ишлаш методи. 4. Намойиш этиш методи. 5. Экскурсия методи. 6. Намуна кўрсатиш методи. 7.

Машқ қилдириш методи. 8. Амалий машғулотлар методи. 9. Ўйин методи. 10. Рағбатлантириш методи. 11. Жазолаш методи. 12. Савол-жавоб методи.

Тажриба-синов ишлари жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга хизмат қилувчи қуйидаги дидактик таълимий ўйинлардан фойдаланилди: 1. У ҳолда, мен... 2. Менинг ҳикоям. 3. Сабаб ва оқибат.

Тажриба-синов ишларига Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 35 ва 55-сонли, Сурхондарё вилояти Қумқўғон туманидаги 44-сонли, Хоразм вилояти Боғот туманидаги 28 ва 36-сонли умумтаълим мактабларидан 458 нафар ўқувчилар жалб этилди.

Тажриба-синов ишларида 5 та йўналиш бўйича туркум топшириқлар тайёрланди:

- Ижтимоий муносабатлар.
- Йўл ҳаракати қоидалари.
- Умуминсоний қадриятлар ва миллий урф – одатларга ҳурмат.
- Жамоат жойларида ўзини тутиш.
- Ҳаёт хавфсизлиги меъёрларини билиш ва унга риоя қилиш мезонлари.

Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг кечишини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш, асосий, муҳим ҳолатларни таҳлил қилиш, респондент-ўқувчилар фаолиятини бевосита кузатиш натижасида қуйидаги мезонлар ёрдамида тажрибадан аввалги ва кейинги вазиятларни объектив баҳолаш мумкин деган фикрга келинди:

1. Ижтимоий-ҳуқуқий меъёрлар, уларнинг моҳияти ҳамда турлари тўғрисидаги назарий маълумотларга эгалик.
